




## Asia Alliance Bank Bloomberg терминалида ўз саҳифасини ишга туширди



**1) MONEY MARKET**

UZN DEPOSITS			
Tenor	Bid	Ask	Ticker
Overnight	12,00%	13,50%	UZDR1T Currency
Tomorrow Next	12,00%	13,50%	UZDR2T Currency
1 WK	12,30%	14,00%	UZDR1Z Currency
2 WK	12,50%	15,00%	UZDR2Z Currency
1 Month	13,00%	16,00%	UZDRA Currency
2 Month	13,50%	17,00%	UZDRB Currency
3 Month	14,00%	18,00%	UZDRC Currency

**2) FX MARKET**

UZN CONTRIBUTION CALCULATION			
Ticker	Bid	Ask	Ticker
USDUZS	11930	12029	USDUZS Currency
GBPUZS	15816	16382	GBPUZS Currency
EURUZS	13693	14102	EURUZS Currency
CNYUZS	1745	1799	CNYUZS Currency
JPYUZS	73	76	JPYUZS Currency
RUBUZS	161	168	RUBUZS Currency
AEDUZS	3211	3312	AEDUZS Currency
KZTUZS	24,1	24,9	KZTUZS Currency

**3) FIXED INCOME SECURITIES**

Issue Number	ISIN	Selling Price in %	Purchase Price in %
28040UMFS	UZA000005449	107,6061	107,3268
28031UMFS	UZA000004467	105,2033	104,9302
28030UMFS	UZA000004350	106,4664	106,1901
28017UMFS	UZA000003436	105,8393	105,5646
28015UMFS	UZA000003097	107,8711	107,5911
201006UMFS	UZA000001224	111,7389	111,4489
201003UMFS	UZA000001257	102,5741	102,3079
26043UMFS	UZA000003113	105,8337	105,5590



Asia Alliance Bank Bloomberg терминалида ўз саҳифасини ишга туширганини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу қадам банкнинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш, шаффофликни ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш стратегиясининг мантиқий давомидир.



### Мавжуд бозор маълумотлари

- валюта курслари
- пул бозори воситалари
- давлат қимматли қоғозлари



### Ҳамкорлар ва бозор иштирокчилари учун афзалликлар


- бозор маълумотларининг шаффофлиги ва очиқлигини ошириш;
- халқаро инвесторлар ва молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;
- банкнинг валюта, пул ва қарз бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаш;
- Asia Alliance Банкнинг глобал ахборот маконидаги иштирокчини кенгайтириш;



**Bloomberg ticker: AALB**  
**LEI: 2549008TGRJ60NANDT33**

### Валюта бозори


Валюта жуфтлари	12 июнь ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
USD/UZS	12 014,5	0,1%	-1,1%	-5,0%
EUR/UZS	13 858,7	-0,6%	-2,9%	-4,2%
CNY/UZS	1 772,6	0,1%	-0,9%	0,7%
RUB/UZS	166,6	3,2%	1,4%	3,6%
JPY/UZS	74,8	-0,3%	-2,9%	-14,1%



### Сўмнинг тебраниши

Нисбатан юқори савдо ҳажмига қарамай, 2 июнга келиб USD/UZS ўртача тортилган курсининг пасайиши бозорда хорижий валюта таклифининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Сезиларли савдо фаоллигининг сақланиб қолиши фонида 10 июнга қадар курснинг кейинги ўсиши бозор иштирокчилари томонидан хорижий валютага бўлган талабнинг кучайганлигидан далолат беради, 12 июнга келиб курснинг пасайиши эса талаб ва таклиф мувозанатининг қисман барқарорлашувини акс эттириши мумкин.

### Пул бозори



### Ликвидлик динамикаси

Марказий банкнинг жойлаштирилган ликвидлик ҳажми банкларнинг корреспондент ҳисобварақларидаги қолдиқлардан барқарор ошиб борди, бу эса банк тизимида ликвидликнинг таркибий профитсита сақланиб қолаётганидан далолат беради. Ликвидлик ҳажми ва мажбурий захиралар меъёри ўртасидаги фарқ ўзгариб туради, 4-5 июль кунлари энг юқори даражага етди, сўнгра 11 июлга келиб манфий қийматгача (-1,1 трлн сўм) камайди.



### Ставкалар барқарор

UZONIA пул бозори ставкалари ва банклараро РЕПОНинг ўртача тортилган ставкаси давр мобайнида барқарор бўлиб, 13,0-13,3% оралиғида ўзгариб турди. Иккала ставканинг ҳам Марказий банк асосий ставкасидан (14%) паст даражада сақланиб қолаётгани пул бозорида ликвидлик даражаси етарли эканлигидан далолат беради.

### Давлат қимматли қоғозлари бозори

Ғазначилик мажбуриятларини жойлаштириш бўйича аукцион савдолари **9 июнь** куни T+2 ва **11 июнь** куни T+0 тартибида ўтказилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **9 июнь** куни муомала муддати **1 йил** ва **3 йил** бўлган ДҚҚлар жойлаштирилди, уларнинг ўртача тортилган ставкаси мос равишда **11,98%** ва **12,80%** ни ташкил этди. **11 июньдаги**, муомалада бўлиш муддати **1 йил** ва **3 йил** бўлган ДҚҚларни қўшимча жойлаштириш бўйича ўртача тортилган ставка мос равишда **11,98%** ва **12,77%** ни ташкил этди. Бундан ташқари, **11 июнь** куни Марказий банк облигацияларини жойлаштириш бўйича аукцион ўтказилиб, унда **29 та дилер** иштирок этди, келиб тушган буюртмаларнинг умумий ҳажми **79,98 трлн. сўми**, ўртача тортилган ставка **14,00%** ни ташкил этди.

Аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Эълон қилинган ҳажм (минг дона)	Буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Қондирилган буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Ўртача тортилган ставка %
09.06.2026	T+2	24136UMFS	357	200	790	179	11,98%
09.06.2026	T+2	28044UMFS	1088	300	1 283	302	12,80%
11.06.2026	T+0	21239CBUSS	7	80 000	79 977	79 786	14,00%
11.06.2026	T+0	24136UMFS	357	300	269	269	11,98%
11.06.2026	T+0	28044UMFS	1088	200	804	202	12,77%

Режалаштирилган аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Чиқарилиш ҳажми (минг дона)
16.06.2026	T+2	28044UMFS	1081	300

### ДҚҚнинг режалаштирилган аукционлари


**16 июнь** куни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги T+2 ҳисоб-китоб режимида **3 йиллик** Давлат қимматли қоғозлари аукциони ўтказишни режалаштирмоқда.



### Иқтисодиёт ва молия

#### вазирлигининг ғазначилик мажбуриятларининг савдолари

Охири ўтказилган аукцион натижаларига кўра муомила муддати **3 йил** бўлган қимматли қоғозларнинг ўртача тортилган ставкалари ой бошига нисбатан **12,79%** дан **12,77%** гача барқарор даражада сақланиб келган. Марказий банкнинг ҳафталик облигациялари савдоларида умумий талаб доимий равишда таклифдан юқори бўлганлиги сабабли ўрта муддатли ДҚҚларга бўлган талаб ошди.




### Даромадлилик эгри чизиғи

**10 июнь** ҳолатига кўра даромадлилик эгри чизиғи (миллий валютада ифодаланган қарз воситаларининг нархлари ва муддатлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи график) **3 ва 5 йиллик** давлат қимматли қоғозлари бўйича мос равишда **12,85%** ва **14,74%** ни ташкил этди.


### Валюта бозори

Валюта жуфтлари	12 июнь ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
EUR/USD	1,1569	0,42%	-1,21%	-0,14%
USD/RUB	72,50	-1,63%	-1,51%	-9,38%
DXY	99,75	-0,32%	0,94%	1,87%
XAU/USD	4 219,3	-2,54%	-10,01%	24,64%
USD/CNY	6,7634	-0,03%	-0,41%	-5,71%
USD/JPY	160,23	-0,06%	1,50%	11,66%




Доллар қадрсизланиши ва АҚШ ва Эрон ўртасида эҳтимолий тинчлик келишуви кутилмалари туфайли евро 1,16 доллар атрофида сақланиб қолмоқда. Ўсишнинг қўшимча омили Европа Марказий банкининг уч йил ичида биринчи ставкани ошириши бўлди, бозорлар кузда еврохудоуднинг иқтисодий ўсиши бўйича заифроқ кутилмаларга қарамай, инфляция прогнозларининг қайта кўриб чиқилиши фонида яна бир кўтарилишни кутмоқда.

### Пул бозори



Инвесторлар сақланиб қолаётган инфляция хатарлари фонида етакчи марказий банкларнинг кейинги қарорларини кутишди. 11 июнь кунини Европа Марказий банки сўнги уч йил ичида биринчи марта асосий ставкаларни 25 фоиз бандга оширди ва бозорлар инфляция хавфларининг ошиши фонида йилнинг иккинчи ярмида, эҳтимол сентябрь ойида яна бир кўтарилишни кутмоқда. Шу билан бирга, СМЕ FedWatch маълумотларига кўра, бозор иштирокчилари АҚШ Федерал захира тизими ставкасини ҳозирги даражада сақлаб қолиш эҳтимолини юқори баҳоламоқда, гарчи 2026 йил охиригача унинг ошиши умумий эҳтимоли тахминан 60 фоизни ташкил этади.

### Хомашё бозори



АҚШ ва Эрон ўртасида Ҳурмуз бўғозини очиш ва нефть нархининг пасайиши ҳисобига инфляция хавфини камайтиришни назарда тутувчи тинчлик келишуви имзоланиши фонида ҳафта охирига келиб олтин ва кумуш нархи ўсишда давом этди. Қимматбаҳо металлларга қўшимча ёрдам Федерал захира ставкасининг ўзгаришсиз қолиши кутилмоқда, Япония банки эса сиёсатни кучайтиришни давом эттириши мумкин.

Европада газ ва Brent нефтининг нархи АҚШ ва Эрон ўртасидаги Ҳурмуз бўғозини очиш ва Форс кўрфазидан энергия ресурсларини етказиб беришни қайта тиклашни назарда тутувчи дастлабки тинчлик келишуви фонида кескин пасайди. Геосиёсий хатарларнинг пасайиши тақдирлиги билан боғлиқ хавотирларни юмшлатди ва энергия нархларидаги хатар мукофотининг пасайишига олиб келди.

Ушбу ҳужжат фақат ахборот мақсадлари учун мўлжалланган ва ҳеч қандай молиявий инструментни сотиб олиш ёки сотиш таклифи эмас, шунингдек, индивидуал инвестиция тавсияси сифатида қаралмаслиги керак.

Ундаги маълумотлар оферта, оммавий оферта ёки инвестиция фаолиятида иштирок этишга таклиф ҳисобланмайди. Ҳужжат даромадлилик кафолатларини ўз ичига олмайди, инвестиция мақсадлари, молиявий ҳолати ёки муайян инвесторнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Инвестиция қарорларини қабул қилишдан олдин рисклар, фойдалар, шунингдек, юридик, солиқ ва бошқа оқибатларни мустақил баҳолаш тавсия этилади. Даромадлилик бўйича илгари эълон қилинган маълумотлар келажакда шунга ўхшаш натижаларни олишни кафолатламайди.

Ҳужжатда ишлатилган логотиплар ёки савдо белгилари (агар мавжуд бўлса) фақат маълумот учун тақдим этилган ва тегишли брендларнинг ҳамкорлиги, маъқулланиши ёки рекламасини англатмайди.

Ушбу материалдаги атамалар ва таърифлар фақат кўриб чиқиладиган молиявий воситалар доирасида қўлланилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган юридик таърифларга мос келмаслиги мумкин.

Материал очиқ манбаларга асосланган, маълумотлар олдиндан огоҳлантирмасдан ўзгартирилиши мумкин. Ташкilot тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун жавобгар эмас.

Ушбу шарҳ давлат, рус ва инглиз тилларида тақдим этилган. Тил версиялари ўртасида ҳар қандай тафовут ёки фарқ бўлган тақдирда, рус тилида баён этилган матн ҳал қилувчи ҳисобланади.

## Эътиборингиз учун раҳмат!

"Asia Alliance Bank" АТБ

Ҳазначилик бошқармаси

Махтумқули к., 2А, Тошкент ш., 100047

Тел: +998 71 231 60 00 (1241) | (1048)

e-mail: Davron.Mahmudov@aab.uz, Azizbek.Suyunov@aab.uz

вебсайт: www.aab.uz

